

ЧАҒОН

ИЖТИМОИЙ-СИЁСII ГАЗЕТА ■ 2022 йил 17 феврал. Пайшанба. ■ №5 (11701) ■ chagoniyon@inbox.uz ■ 1932 йилдан чиқа бошлаган



Тараққиёт стратегияси — келажак кафолати

Ўқитувчилик — шарафли ва масъулиятли касб. Устозлар фарзандларимизга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда, комил инсонлар бўлиб вояга етишларида ҳам муносиб ҳисса қўшишади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг маънавий-маърифий даражаси устоз ва мураббийларга бўлган муносабатга қараб баҳоланади.

Янги Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бормоқда. Таълим, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда тенглар ичра тенг эканлигини намоянча этаяпти. Ана шундай улкан муваффақиятларда фидойи инсонларнинг муносиб ҳиссалари бор, албатта. Маълумки, мустақиллик йилларида соҳага бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Айниқса, сўнгги йилларда бу борада қатор Қонун ва фармонлар қабул қилинганлиги келажакка қўйилган мустақам пойдевор сифатида баҳолаш мумкин.

Юксак билим, иқтидор ва салоҳиятга эга ёшларга доим талаб бўлган. Аммо, бунга осонликча эришиб бўлмайди. Қўзланган мақсад учун шароит ва вақт керак. Шулар эътиборга олинган ҳолда соҳа босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда. Янги мактаблар фойдаланишга топширилиб, аксарияти таъмирланаяпти. Шу билан бир қаторда, устоз ва мураббийларнинг ойлик маошлари ҳам яхши-лашиб бормоқда. Турмуш шароитимизнинг йил сайин ўзгараётгани бизга фох ва ифтихор ҳиссини уйғотмоқда.

Маълумки, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда иқтидорли ўқитувчиларнинг ойлик маошини босқичма-босқич 1000 АҚШ доллар эквивалентига етказиш устувор вазифа қилиб белгиланди.

2022 йил учун ишлаб чиқилган бюджет ҳисоб-китобида эса айнан инсон

капиталини ривожлантириш учун, яъни таълим ва тиббиёт соҳасида 58 триллион сўм маблағ ажратилиши маълум қилинди. Албатта, маблагнинг маълум қисми жорий йилда ўқитувчиларнинг ойлик маошлари учун сарфланади. Буни келажак авлодларимизга виждонан таълим бераётган ҳамкасбларимиз учун муносиб рағбат, дейиш мумкин.

Шунингдек, яқин 5 йилда ўрта таълимда қамров талаб даражасида бўлган учун замонавий мактаблар қуриш орқали қўшимча 1 миллион 200 минг янги ўқувчи ўринларини яратиш, хусусий мактаблар улушини 8 фоизга етказиш, ёшларни компьютер ва ахборот технологиялари бўйича билимларини ошириш учун 100 мингдан ортиқ бепул тугараклар ташкил қилиш, ҳар бир фан бўйича маҳаллий ёки халқаро сертификат талабларини белгилаш орқали таълим сифатини яхшилаш назарда тутилган.

Аслида илму маърифат бебаҳо бойликдир. Уни ҳеч нарса билан қийслаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди. Соҳада ўзгариш, янгиланиш ва тараққиёт кузатилаётган экан, яқин келажакда албатта, қўзланган мақсадга эришамиз. Бунинг учун шарафли касб эгалари бўлган биз устозлар янада масъулиятли, янада шижоатли ва янада фидойи бўлишимиз керак.

Омон ОРТИҚОВ,
Денов туманидаги 42-мактаб ўқитувчиси.

Оммавий ахборот воситалари эркин бўлмаса, фуқаролар содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўла олмайдилар. Биз ҳаётга тўлиқ шитирок эта олмаймиз, тўғри қарорларни қабул қила олмаймиз, сиёсий ташвиқот, нотўғри маълумотлар тасирига берилиб, ҳар қандай дезинформация қаршисида ожиз қоламиз.

Тўртинчи ҳокимият сари

Медиясаводхон инсон қандай бўлиши керак?

Медиясаводхонликини ривожлантириш нафақат жамиятнинг ОАВни танқидий баҳолаш салоҳиятини кучайтиради, балки журналистика ва журналистларга ўтказиладиган босимни бартараф этиш чораларини талаб қилиш қобилиятини ҳам оширади.

Европа мамлакатлари учун халқаро медиясаводхонлик индексининг маълумотларига қўра, жамиятнинг нотўғри маълумотларга қарши туриш қобилияти 40% сўз эркинлиги ҳолатига боғлиқ. Европада энг медиясаводхон, деб тан олинган бешта мамлакат (Финляндия, Дания, Эстония, Швеция, Ирландия)да сўз эркинлиги ҳам энг юқори даража экани эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Медиясаводхонлик — ҳар қандай ёшдаги одамларда таълим олиш, маълумотга эга бўлиш, ўзаро алоқа ва мулоқот учун замонавий воситалардан фойдаланишнинг амалий кўникмаларини ривожлантиришга эмас, ривожланган медиа-ахборот саводхонлиги — умуман олганда, жамоатчиликнинг доимий таҳдид остида бўлган ОАВга ишончини кафолат-

лаш ҳамдир. Медиясаводхонлик бугунги кунда ҳар қандай одам учун асосий кўникма, ҳудди кир ювиш машинасида фойдаланишдек кундалик заруратдир. Ҳозир бу кўникма аниқ топ-10таликка кирди. Агар бундан беш йиллар аввал медиясаводхонлик, деганда ижтимоий тармоқлардан ва шунга ўхшаш хизматлардан фойдаланиш кўникмасини назарда тутган бўлсак, эндиликда медиясаводхонлик янада кенгрок тушунчага айланди. Бу, энг аввало, манипуляция ва гаразли ташвиқотга қарши туриш қобилиятидир.

Медиясаводхонлик сўз ва матбуот эркинлигига хизмат қилади. Мустақил ОАВнинг фарқига борадиган, маълумот манбаларини кидиришга ўқувли, асосий фактларни текшириш қўлидан келадиган одам ҳар қандай ОАВдаги айри манпуляция ва фейкларни рад эта олади. У пассив кузатувчи эмас, балки, замонавий медиаконтекст билимидни сифатида номол бўлади. Шу боис медиясаводхонлик жуда муҳим кўникмадир.

Медиясаводхон инсон ким?

Медиясаводхон одам маълум бир малакага эга бўлиши лозим: у ахборот топишни, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, уни яратиш ва тарқатишни билиши зарур. Ушбу кўникмаларсиз сифатли контент яратиш бўлмайди. Сўз эркинлигининг таркибий қисмлари эса — ахборот олиш ҳуқуқи, унинг ишончлилиги, медиаконтентни ишлаб чиқариш ва тарқатиш ҳуқуқидир. Ушбу жиҳатларнинг барчаси медиясаводхонлики ҳам тақозо этади.

Умумий айтганда медиясаводхонлик — ҳар хил оммавий ахборот воситаларини аниқлаш ва улар юбораётган хабарларни тушуниш, таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятидир. Медиясаводхонликини ошириш учун ҳар бир ўқиётган (қўраётган) маълумотларнинг таалуқли саволларни бериб қўринг: ким бунни яратди (ёзди, тайёрлади), улар бу орқали нимага эришмоқчи, ким учун мўлжалланган, эътиборимизни жалб қилиш учун қандай усуллардан фойдаланган, бунни рост ва ишонарли қўриниши учун қандай тактикалардан фойдаланган, ни-

малар айтилмаган, қолдирилган ва нега, унинг хабари сизда қандай ҳис-туйғу уйғотди?

Барча ўқиётган маълумотларнинг таҳлилий-танқидий баҳолаш. Танқидий-таҳлилий фикрлаш — бизга келаятган маълумотлар ростлиги ва тегишлилигини қўриб чиқиб баҳолашни аниқлаш.

Нима учун таҳлилий-танқидий фикрлаш аҳамиятли? Аслида, ҳамма эшитган, ўқиган, қўрган нарсаларни ҳақиқат, деб ўйламаслик керак. Маълумотларни қўриб чиқиш ва уларни филтрлаш қай-сики факт, фикр ёки тахминни аниқлаш ва ажратиш, ҳар қандай ўқиганингиз ва эшитган маълумотингизни объектив, ҳақиқат ва далиллар билан тасдиқланганлигини текшириш, ҳамда бошқаларнинг гоёлари ва назарияларига тизимли баҳо бериш учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, медиясаводхонлик ва сўз эркинлигининг мақсадлари муштарак. Улар фуқароларнинг ахборот олиш ва сўз эркинлиги ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади. Улар бир-бирини тўлдирди. Фақат медиясаводхон киши, медиясаводхон журналистгина ўзининг сўз эркинлиги тугаган жойда бошқа бир одамнинг сўз эркинлиги бошланганини аниқлайди. Ва у муқо-бил фикрни ҳурмат қила бошлайди, унга қўлоқ солади. Бу эса медиясаводхонликининг, танқидий фикрлашнинг асосидир.

Нафиса ТУРДИҚУЛОВА,
ЎзНТМА Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлинимаси бош мутахассиси.

Муҳим масалалар ҳал этилди

Юртимизнинг барча ҳудудларида “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” Давлат дастурлари доирасида улкан бунёдкорликлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, фуқароларнинг мурожаатлари ўрганилиб, муаммолар жойида бартараф этилапти.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Ботир Парпиев Денов туманида бўлиб, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишди. Вазир ўринбосари ва туман ҳокими Бобур номи маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Саид оталик” мадрасаси ҳамда “Намозгоҳ” маҳалласидаги “Шайх Мухаммад Алоуддин Аттор” зиёратгоҳларида ҳам бўлишди. Мажмуаларда давом этаётган ишларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Туман марказида жойлашган 18та маҳалла фуқаролар йиғини раислари, ҳоким ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари билан ўтказилган учрашувда муаммоларни аниқ ва манзилли ҳал этишда “Маҳаллабай” ишлаш тизимининг моҳияти, бунда турли ташкилотлар вакилларининг ўзаро ҳамкорлигига алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчи-



ларининг вазифалари ҳақида сўз юритилди. Учрашув сўнггида ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчиларига компьютер жамланмалари тақдим этилди. Вазир ўринбосари Б.Парпиев тумандаги “Лоззор” маҳалла фуқаролар йиғинида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳа доирасида олиб борилаётган кўчат экиш жараёнида бево-сита қатнашди ҳамда кўчат экиш ва уларнинг парвариш-

лаш бўйича ўз тавсияларини берди.

“Чамбил” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Қумқишлоқ”, “Тинчлик” ва “Лоззор” қўчаларидаги таъмирлаш ишларини кўздан кечириб, аҳоли билан мулоқот қилди. Худудда исти-комат қилувчи Жўрабек Муродова бўш турган томорқадан умумий фойдаланиш борасида тавсиялар берилди.

Шаҳодат ШАРОПОВА.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистоннинг чекка қишлоқ ва овулларида ҳам спортга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг ёрқин самараси ўлароқ халқаро мусобақаларда юрт шарафини муносиб ҳимоя қиладиган баркамол авлод вакиллари вояга етмоқда. Мамлакат ифтихорига айланган ана шундай ёшлардан бири Барно Мирзаевадир.

Истиқлол тенгдошлари

ЎЗБЕК ҚИЗИНИНГ ЖАСОРАТИ

Истиқлол билан тенгдош Барно 1991 йилнинг 23 августиди Сурхондарё вилоятининг Денов туманида таваллуд топган. Спортга бўлган қизиқчи туфайли у 5 ёшида “Хазорбоғ” каратэ клубига қабул қилинади. 2004 йилда Ўзбекистон чемпионати баҳсларида 1-ўринни қўлга киритган бўлса, 2008 йил мамлакат терма жамоаси сафидан ўрин олган. Ўша йили Ита-

лиянинг Жиселло шахрида ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кумуш медалга савовор бўлган Сурхон қизи 2009 йилги Осиё чемпионатида 2-ўринга лойиқ топилган.

Тиришқоқ, изланувчан ва интилувчан Барно нуфузли мусобақаларда юқори поғоналарга қўтарилиб, улкан ютуқларни қўлга киритаётгани кўнонари. У 2010 йилда Хитойнинг Гуанчжоу



шаҳрида ўтказилган XV-Осиё ўйинларида бронза медали соҳибасига айланган.

Инсон учун чинакам бахт орзулар ушалишидир. Уни амалга ошириш учун доимо олға интилиш лозим. Юксак марраларни қўзла-

ётган Барно Мирзаева сўнгги йилларда ҳам жаҳон ареналарида ўзини намоянча этгани халқимизни қувонтирмоқда.

Сурхон қизига бугун ҳамма ҳавас қилиб, қўлга киритган ютуқларидан фахрланади. Бу эса ўсиб келаятган ёшларга янада кўтаринкилик бахш этиши табиий. Шулар инобатга олинган ҳолда яқинда мактабимизда Барно Мирзаева билан учрашув ташкил қилинди. “Спорт — мамлакатни дунёга танитади” мавзусида ўтган тадбирнинг таъкид қилишида Денов туман ҳокимлигининг масъул ходими Одижон Исмоилов ташаббус қўрсатди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган учрашувда устозлар,

маҳалла фаоллари, ёшлар ва меҳмонлар иштирок этишди. Унда таниқли спортчи ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Ютуқлар замирида аввало, меҳнат ва интилиш мужассамлиги таъкидланди. Шу билан бир қаторда, ёшлар, хусусан, спортчиларга Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан яратиб берилган шароитлар эътироф қилинди. Учрашувда фаол иштирок этган ўқувчиларга қимматбаҳо ва эсдалик совғалар топширилди. Ёшларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди. Байрам барчада яхши таассурот қолдирди.

Отабек АЛИМАРДОНОВ,
Денов туманидаги 52-мактаб тарғиботчиси.

ДАВРА СУҲБАТИ

Денов туманидаги 35-мактабда таълим-тарбия олаётган қизлар билан давра суҳбати ташкил этилди. Очиқ мулоқотда эрта турмушнинг салбий оқибатлари, кийиниш маданияти, ўқувчи одоби ҳамда оммавий маданиятнинг кириб келиши хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Шунинг таъкидлаш лозимки, айни кунларда масканда фан тўғараклари ишлаб турибди. Қизлар мукамал билим олиш баробарида, тўқувчилик, тикувчилик, зардўзлик сирларини ҳам мукамал ўрганишмоқда.

УСТУВОР ВАЗИФА

Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили муносабати билан Денов туман маҳалла ва оилани қўллаб-қув-

ватлаш бўлими, тадбиркорлик ва педагогика институтини, ички ишлар бўлими ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан “Ёшлар таълим-тарбияси — устувор вазифа” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда тумандаги таълим муассасаларида эърафонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар иштирок этишди.

Ҳар жиҳатдан фойдали учрашувни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга ёрдам бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва келажакка бўлган ишончини янада оширишдан иборат эканлигига эътибор қаратилди. Яқинда психологлар томонидан тренинглар ташкил этилиб, фаол иштирокчиларга китоблар совға қилинди.

Гулжамол ЭЛМУРОДОВА,
Денов туман ИИБ ХКМВ катта инспектори, капитан.

Сўз мулкининг султони

Денов туманидаги 80-умумий ўрта таълим мактабида турли тадбир, учрашув ва кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. Бу эса ёшларнинг билим ва салоҳияти юксалишида муҳим аҳамият касб этиши табиий.



Маълумки, ҳар йили бокалонларимиз — ҳириддин Мухаммад феврал ойда улуг бо- Алишер Навоий ва За- Бобурнинг таваллуд

Ёшлар тарбияси йўлида

Республикада таълим тизими давлат эътиборида. Қисқа даврда соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мак-

табгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»-ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириш, илгор хорижий дав-

латлар тажрибасини ўрганган ҳолда замонавий тизим яратилди. Дастуриламал ҳужжат ихросини таъминлаш мақсадида жой-

ларда хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҳоржинг илгор амалиёти қўлланаётгани кувонарли. Масалан, Японияда мактабгача тарбия ёта йўналишни қамраб олган бўлиб, мамлакатимизда ҳам «Илк қадам» ўқув дастури йўлга қўйилди. Мазкур дастурда таълим жараёнига ота-оналарнинг жалб этилиши акс эттирилган бўлсада, 25% ота-оналар бу жараёнга катнашадилар. Япония, Корея, Англия, Буюк Британия ва Германияда ота-оналар фардизандларининг таълим олишлари учун барча шароитларни яратиб беришган. Ота-оналарнинг 85% таълим-тарбия жараёнларига бевосита катнашади.

Хорижий мамлакатларда бўлгани каби юртимизда ҳам мактабгача таълим ташкилотларида ота-оналар учун турли сўрономалар, ота-оналар йиғилишлари, семинарлар ва «Ота-оналарга ёрдам» дастурлари ишлаб чиқилган. Таълим ташкилотларида «Касб» лойиҳаси йўлга қўйилса, болалар ўзлари кизиққан касбларга

мактабгача таълим ёшидан йўналтирилади. Хорижий тилларни ўргатиш тил, кўникма ва таълимий фаолиятлар орқали сингдириб борила, бола хорижий тилларни ўз она тили каби табиий тарзда ривожлантириб боради. Таълимий ўйинлар болани ҳисмонан соғлом ривожланишини таъминлайди. Руҳан тетиқлаштиради, ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди ҳамда атрофдагилар билан ижтимоий муносабатларни шакллантиришга кўмак беради.

Хулоса ўрнида айтганда, хорижий мамлакатларнинг мактабгача таълим тизимларини ўрганиш, уларнинг илгор тажрибасини таҳлил этиш ва рес-публикамиз шароитига мослаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мамлакатимиз мактабгача таълим тизимини замонавийлаштириш имконини яратди.

Шахноза ХУДОЙҚУЛОВА,
Денов туманидаги
21-мактабгача таълим
ташкilotи услубчиси.

Кўникма ва маҳорат

бола тарбиясида муҳим ўрин тутати

Мактабгача тарбия тизими жараёнига янгича ёндашиш давр талабидир. Бунинг учун ўзбек халқининг миллий анъаналари, қадриятлари, педагогиканинг улкан тажрибаси муҳим ўрин тутати. Сўнгги йилларда мактабгача ва мактаб ёшдаги болалар ўртасида ривожланиш, уларнинг жисмоний тайёргарлигини яхшилаш борасида дадил қадамлар ташланди.



Боланинг 5-6 ёшида ҳаракатлари янада аниқлашади. 6-7 ёшда эса ўзини тутати. Шунинг учун ўз ҳаракат аъзоларидан мохирлик билан фойдаланади. Масалан, болалар ўзуллик ва баландликка сакрайди. Оёқ учидан юриш чоғида бурилиш маҳорати ҳамда бошқаларни эгаллайди. Ҳаракатларнинг бола гавда тузилиши ва имкониятларига боғлиқ бўлган ҳусусиятлари аниқроқ намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳаракатни бажаришда яхшироқ натижаларга эриша бошлайди.

Тарбиячи болаларнинг шахсий қизиқишларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг ҳар томонлама ҳаракат тайёргарлигини кўзда

Ҳар бир инсон ҳаёти давомида фарзандининг бахту саодатини кўриш учун яшайди, меҳнат қилади. Уларнинг улғайиши, билим олиши, бир сўз билан айтганда, камол топишида маъсул бўлади.

Баркамол авлод — ётакчи куч

Дарҳақиқат, бугун амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг замирида ҳам ёшларнинг эртанги камоли муҳассам. Агар эътибор берадиган бўлсак, янгидан-янги замонавий ўқув даргоҳлари ёшлар ихтиёрида. Таълим тизими тубдан ўзгарган. Дарслар замонавий технологиялар асосида ташкил қилинмоқда. Бу эса фарзандларимизни мустақил фикрлашга ўргатиб, ўз ёндашув билан иштирок этишни таъминлайди.

Ёш авлоднинг қалби ва онгини асраш, уларни умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-маъмуни ва сабабларини чуқур англашга қармоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат», деган эди. Демак, давр бугунги ёшлардан фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишни талаб қилмоқда. Шундагина истиқлол дилбандлари Ватанимизнинг порлоқ келажаги ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини янада юксалтиради.

Қаҳрамон ЭШОНҚУЛОВ,
Денов туманидаги 85-мактаб ўқувчиси.

тутувчи дастур мазмунини ўзлаштиришини кузатиб бориши лозим. Ҳамжихатликда бажариладиган фаолиятда, айниқса, мусобақали турлида жамоа манфаатларига мувофиқ келадиган йўлни топишга ҳаракат қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Машғулот учун умумий қабул қилинган кириш қисми (4-5 дақиқа) асосий қисм (18-20 дақиқа) ва якуний қисм (3-4 дақиқа)дан иборат бўлади. Машғулотнинг тайёрлов қисмида сифатла-ниш, қайта сифатланиш, югуриш, мураккаб бўлмаган топшириқлар берилади.

Машғулотнинг иккинчи қисмида умумривожлантирувчи машқларга, ҳаракатнинг асосий турлари ўргатилади. Якуний қисмда юриш машқларидан, унча мураккаб бўлмаган ўйин вази-фаларидан фойдаланилади. Катта гуруҳда умумривожлантирувчи машқлар бутун тана аъзоларига, алоҳида мушак ва бўгин гуруҳ-ларига мақсадли қўзлаган ҳолда таъсир кўрсатади.

Асосий ҳаракат йил давомида болаларни жисмоний жиҳатдан ривожлантириш мақсадида ҳар бир ҳаракат тури бўйича тахминан бир хил миқдорда машқлар танланади. Бунда фақат ҳара-катларни бирга бажариш эмас, балки ҳар бир машқ турли бош-қичларда бажарилиши лозим. Якуний қисмда болага қўзғал-ван ҳолатдан тинч ҳолатга ўтишни таъминлайдиган машқлар бе-ришга имкон яратилади.

Боғча ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши ёшдан-ёшга ошиб боради. Ўғил болаларнинг кучи ва ўпкасининг ти-риклик сизимининг тезлиги 4,5-5 ёшда юқори бўлади. Фар-зандларимизнинг ҳар томонлама ривожланишига эътибор бер-сак, уларнинг соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари-ни таъминлайди.

Наргиза ҚОДИРОВА,
Денов туманидаги 39-мактабгача
таълим ташкilotи услубчиси.

Конунчиликдаги янгиликлар

Имконият ва қулайлик

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида кенг қўлмали ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада узоқ йилларга мулжалланган вази-фалар белгилангани эса янада кувонарли. Хусусан, жорий йилнинг 17 январида «Муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизимини жорий этган лимон етиш-тирувчиларни, шунингдек, янги лимонзорларни барпо этиш ва қўчатлар харид қилишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳукумат қарори қабул қилинди.

Унда лимон етиштирадиган қишлоқ хўжалиги ташкилотлари харид қилган муқобил энергия (табиий газга нисбатан) орқали ишлайдиган иситиш қурилмалари қийматининг 30 фоизгача қисми боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб берилиши белгиланди. Қарор билан «Лимон етиштирилаётган иссиқхона-ларни барпо этишда муқобил энергия (табиий газга нисбатан) қурилма-лари қийматининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида» ва «Янги ли-монзорларни барпо этиш ва қўчатларни харид қилиш билан боғлиқ ҳара-жатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида» Низом тасдиқланди.

Низомда талабгорлар (қишлоқ хўжалиги ташкилотлари) томонидан муқобил энергия қурилмаси ўрнатилган иссиқхона ишга туширилгандан сўнг субсидия олиш учун туман комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиши белгиланган. Комиссия мурожаат келиб тушган кундан бошлаб 5 иш кўнида талабгор томонидан ўрнатилган муқобил энергия қурилмаларини жойига чиққан ҳолда ўрганади.

Талабгорлар комиссиянинг ижобий ҳулосасини олгач, 5 кун ичида қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги боғдорчилик ва иссиқхона хўжа-лигини ривожлантириш агентлигига тегишли ҳужжатларни тақдим қили-ши лозим. Ҳужжатлар 3 иш кўнида агентлик томонидан ўрганилиб, кен-гаш қарори қабул қилинади ҳамда 1 ой ичида субсидия ажратати. Агар мурожаат рад қилинса, бу ҳақда талабгорга хабар берилади.

Агентлик 5 йил давомида, ҳар йил камиди бир марта шартномада кўрсатилган параметр ва мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан монито-ринг олиб боради. Шунингдек, янги лимонзорлар барпо этиш ва қўчат-лар харид қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар ҳар бир сотиқ учун 300 минг сўмгача субсидия сифатида қўллаб берилади. Субсидия лимонзорлар барпо этиш ишлари якунланиб, туман ишчи комиссиясининг уларни фой-даланишга қабул қилиш юзасидан тасдиқланган далолатномалари агент-ликка тақдим этилгандан сўнг 1 ой мuddатда ажратилиши белгиланган.

Б.ХИДРОВ,
Денов туман Адлия бўлими бошлиғи
вазифасини вақтинча бажарувчи.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам

тайинлашнинг тартиб-қоидалари

Фуқароларимизни ижтимоий нафақа (болалар пули) ва моддий ёрдам тайинланмаётгани қизиқ-тириши табиий. Мазкур масала юзасидан Денов туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ҳам қўллаб муурожаатлар бўлмоқда. Саволларга бўлим масъулидан тегишли жавоблар олинди.

Маълумки, 2021 йил-нинг 21 октябрида Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкама-сининг «Кам таъминлан-ган оилаларни «Ижтимо-ий ҳимоя ағона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъ-минланган оилалар бо-лалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғри-сида» Низом қабул қилинган эди. Унда қуй-идагилар белгиланган: — ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келади-ган бир ойлик ўртача — жами даромад ўртача — зомнинг 7-бандида бел-гиланган мезон, яъни 440 минг сўмдан ошган-да; — идоралараро элек-трон ахборот тизими орқали олинган маълум-отлар бўйича кўмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида ариза берувчи ва унинг оила аъзолари эгалигида жами биттадан ортиқ кўмас мулк ёки ундан ортиқ нотураж жой би-нолари мавжуд бўлган-да; — ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида қонунчилик ҳужжатла-

қурилиш техникаси мав-жуд бўлганда; — ариза берувчи ва унинг оила аъзолари-нинг тижорат банклари-даги депозит ҳисоба-рақларидан ариза берил-ган ойда амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари, яъни 4 милли-он 110 минг сўм ва ундан ортиқ миқдорда маб-лағлари мавжуд бўлган-да; — ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида ариза берилган ойда бозор қиймати меҳнат-га ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш бара-вари, яъни 4 миллион 110 минг сўм ва ундан ортиқ суммани ташкил этувчи қийматли қозғал-лар мавжуд бўлганда; — Ўзбекистон Рес-публикаси Мудофаа ва-зирлиги, Ички ишлар ва-зирлиги, Фақултета ва-зирлар вазирлиги, Ўзбекистон Республика-си Президенти ҳузури-даги Давлат ҳавфсизлик хизмати, Миллий гвар-дия, Давлат ҳавфсизлик

хизмати, Давлат божхо-на қўмитаси, Мудофаа саноати давлат қўмита-си ҳамда уларнинг тизи-мидаги ташкилотлар-нинг хизматчилари ва ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва болалари), шунингдек, пенсионер-лари томонидан ариза-лар тақдим этилганда; — болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олу-вчи ва унинг оила аъзо-си томонидан тақдорий ариза ушбу Низомнинг 12-бандида белгилан-ган тартибга риоя этил-ган ҳолда тақдим этилганда. Унда тақро-ран тақдим этилган ари-за «Ягона реестр» АТга киритилгандан сўнг ари-за қўриб чиқилмасдан, аризадаги рад жавоби аризада кўрсатилган ёки электрон манзилга ёки СМС-хабар орқали мо-биль телефон рақамига жўнатилди; — оилада меҳнат органлари томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд

бўлганда; — оиланинг охириги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси то-монидан меҳнат орган-ларининг мақбул кела-диган ишга доир тақ-лифларини мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) рад этилган ҳолларда; — расмий даромад маблағларига эга бўлма-ган ва охириги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига му-рожаат қилмаган ҳамда меҳнат органларида ҳисобда турмаган, ўзини-ўзи банд қилган шахслар рўйхатига ки-ритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган меҳнат-га лаёқатли оила аъзо-си мавжуд бўлганда бо-лалар нафақаси ёки моддий ёрдамини тайин-лаш рад этилади.

У.АВАЗОВ,
Денов туман Бю-джетдан ташқари
пенсия жамғармаси
гуруҳ раҳбари.

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камасининг 2020 йил 25 мартдаги «Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 182-сонли қарори ижросини таъ-минлаш мақсадида Сурхондарё вилояти ҳоки-мининг 2022 йил 1 январдаги 1-8-0-Қ/22-сон-ли қарори 2-иловасига асосан, Денов тумани-га 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича суб-сидиялар ажратишнинг мақсадли қўрсаткич-лари асосида белгилаб берилган квартира сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича дас-тлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қис-мини қоплаш учун тўланадиган субсидиялар сони (60та) ва суммаси тўлаганлиги сабабли Низомнинг 38-бўлим ж-бандига асосан 2022 йил учун уй-жой сотиб олиш мақсадида ари-залар қабул қилинмаслиги маълум қилинади.

Б.АБДУРАЙИМОВ,
Денов туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, субсидия комиссияси раиси.

Денов туман Юрчи қишлоқ хўжалик касб-хунара коллежи томонидан Хакимов Тимур Ами-рович номига берилган 0983704 рақамли дип-лом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Термиз давлат университети томонидан Хамраева Насиба Болтаева номига берил-ган диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қумқўрғон тумани маркази ҳар доим-гидек одамлар билан гавжум. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Бироқ, нимадандир бе-зовта бўлаётган икки шахсининг бу ерда қай мақсадда юрганини англаш қий-на. Улар бир одамнинг ёнига яқинлашиб, ни-маларнидир гаплашиб олишди. Ундан кейин эса ичига пул солинган конверт уза-тишди. Сумкани олиб, ичидagi пуллари-ни санашга киришишди.

ЯШИРИН САВДО

Айнан шу куни Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Қумқ-ўрғон тумани бўлими хо-димлари туман ҳудудида тезкор тадбир ўтказёт-ган эди. Ноконуний ва-люта олди-сотидаси би-лган шугуланаётганлик-да гумонланган Холік Авазов ва Шерзод Қаюмов-лар (исм-фамилиялар ўзгартрилган) ҳаридорга 2400 АҚШ долларини 19 миллион 680 минг сўмга сотаётган вақтида ушланди. Валютафурушларга суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Азамат ТОҒАЕВ,
Департаментнинг Олтинсой
туман бўлими бошлиғи.

Денов туманидаги 28-умумий ўрта таълим мак-таби томонидан Одинаева Қумуш Ҳамидовна но-мига 2011 йилда берилган 5029165 рақамли ша-ҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

